



The Rule of Law and the Inviolability of Human Dignity: A New Approach in the Activities of Internal Affairs Bodies

Dilshat PAYZIEV¹

The Research Institute of Criminology of the Republic of Uzbekistan

ARTICLE INFO

Article history:

Received June 2026

Received in revised form

15 June 2026

Accepted 15 July 2026

Available online

05 August 2026

Keywords:

rule of law,
human dignity,
internal affairs bodies,
prevention inspector,
rights,
freedoms,
and legitimate interests of
citizens,
legal and political rating,
crime prevention.

ABSTRACT

This article analyzes the role of the principles of “the rule of law” and “the inviolability of human honor and dignity” in the activities of internal affairs bodies within the framework of ongoing legal reforms in the Republic of Uzbekistan. It also examines the legal foundations, practical manifestations, and future priorities of a new people-oriented, open, and humane approach that has emerged in recent years within the internal affairs system.

2181-1415/© 2026 in Science LLC.

DOI: <https://doi.org/10.47689/2181-1415-vol7-iss4-pp167-173>

This is an open access article under the Attribution 4.0 International (CC BY 4.0) license (<https://creativecommons.org/licenses/by/4.0/deed.ru>)

Қонун устувор, инсон қадри муқаддас: ички ишлар органларидаги янги ёндашув

АННОТАЦИЯ

Калит сўзлар:

қонун устуворлиги,
инсон қадри,
ички ишлар органлари,
профилактика
инспектори,
фуқароларнинг ҳуқуқлари,
эркинликлари ва қонуний
манфаатлари,
ҳуқуқий-сиёсий рейтинг,
ҳуқуқбузарликлар
профилактикаси.

Мақолада Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган ҳуқуқий ислохотлар жараёнида “қонун устуворлиги” ва “инсон қадри муқаддас” тамойилларининг ички ишлар органлари фаолиятидаги ўрни таҳлил қилинган. Шунингдек, ички ишлар органлари тизимида сўнгги йилларда шаклланган янги халққа яқин, очиқ ва инсонпарвар ёндашувнинг ҳуқуқий асослари, амалиётдаги кўринишлари ҳамда истиқболдаги вазифалари ифодаб берилган.

¹ Doctor of Philosophy (PhD) in Legal Sciences, Associate Professor, Leading Researcher, The Research Institute of Criminology of the Republic of Uzbekistan.

Верховенство закона и неприкосновенность человеческого достоинства: новый подход в деятельности органов внутренних дел

АННОТАЦИЯ

Ключевые слова:

верховенство закона,
достоинство человека,
органы внутренних дел,
инспектор по
профилактике,
права,
свободы и законные
интересы граждан,
правовой и политический
рейтинг,
профилактика
правонарушений.

В статье анализируется роль принципов «верховенство закона» и «достоинство человека священны» в деятельности органов внутренних дел в процессе правовых реформ, осуществляемых в Республике Узбекистан. Также раскрываются правовые основы, практические проявления и перспективные задачи нового подхода с народом, открытого и гуманного, сформировавшегося в последние годы в системе органов внутренних дел.

Дунёда ҳар қандай демократик-ҳуқуқий давлатнинг мустақамлиги, авваламбор, унинг ҳуқуқ-тартибот тизими қандай даражада қонун устуворлигига ва фуқароларнинг манфаатларига хизмат қилишида намоён бўлади. Сўнгги йилларда Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган туб ўзгаришларнинг марказида инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни ва қадр-қиммати турганининг гувоҳи бўлиб турибмиз. Давлатимиз раҳбари бир неча бор таъкидлаганидек, барча ислохотларнинг бош мезони инсон қадри учун [1], яъни “инсон давлат учун” деган эски қарашни тубдан ўзгартириб, аксинча, давлат ва унинг органлари инсон учун хизмат қилиши ғоясини амалиётга татбиқ этиш жараёнлари ўз ифодасини топмоқда. Ушбу жараёнда алоҳида ўрин тутадиган давлатнинг ижро этувчи ҳокимият органларидан бири ички ишлар тизимидир. Чунки айнан мана шу орган фуқаролар билан кундалик ҳаётда бевосита мулоқотда бўлади ва давлатнинг фуқарога муносабатини биринчи навбатда намоён этади. Шу боис, ички ишлар органларида амалга оширилаётган ислохотлар нафақат ҳуқуқни муҳофаза қилиш самарадорлигини, балки жамиятда ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти қадриятларининг қай даражада мустақамланганини ифодаловчи муҳим кўрсаткич ҳисобланади.

Мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлаш, фуқароларнинг ҳаёти, соғлиғи, шаъни, қадр-қиммати, шахсий дахлсизлиги ҳамда қонуний манфаатларини ишончли муҳофаза қилиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Сўнгги йилларда суд-ҳуқуқ тизимини такомиллаштириш, жиноятчиликка қарши курашиш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси самарадорлигини ошириш, жамиятда қонунийлик ва ҳавфсизлик муҳитини мустақамлаш борасида кенг кўламли ислохотлар амалга оширилмоқда [2].

Қонун устуворлиги ҳуқуқий давлатнинг асосий белгиларидан бири бўлиб, унга кўра, давлат ҳокимиятининг барча тармоқлари, соҳалари, мансабдор шахслар, шунингдек, оддий фуқаролар қонун олдида тенг ва унга бўйсунувчи ҳисобланади. Ушбу тамойил шунчаки қонунларга риоя этишни эмас, балки қонунларнинг ўзи адолатли, инсон ҳуқуқларига монанд ва ошкора қабул қилинишини ҳам англатади.

Ўзбекистон Республикаси “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги қонунда белгиланишича, ички ишлар органлари фаолиятининг асосий тамойиллари қаторига қонунийлик, ягоналик, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига риоя этиш ҳамда уларни ҳурмат қилиш, шунингдек очиқлик ва шаффофлик масалалари кўрсатилган [3]. Бу қонун устуворлиги тамойилининг соҳавий қонунчиликда мустаҳкамланган амалий кўринишидир.

Шу билан биргаликда муҳими шундаки, қонунда ички ишлар органи фаолиятининг фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини чеклаши мумкин бўлган ҳолатлар ҳам аниқ белгиланган, бундай чеклаш фақат қонуний мақсадга эришиш зарур бўлганда ва бошқа йўл билан эришиб бўлмайдиган тақдирдагина йўл қўйилади. Демак, қонун устуворлиги ички ишлар тизимида ҳокимиятнинг ўз-ўзини чеклаши, яъни давлат мажбурлов аппаратининг ҳам қонун доирасида ҳаракат қилиши тамойилидир. Айнан шу тамойилнинг амалда таъминланиши, назариётчи-ҳуқуқшунослар таъкидлашича, жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтиришнинг, шунингдек, фуқароларнинг давлат органларига бўлган ишончини мустаҳкамлашнинг энг муҳим шартидир [4]. “Инсон қадри учун” тамойили Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида барча ислохотларнинг бош ғояси сифатида белгиланган [5]. Бу тамойил, аввало, инсонни давлат сиёсатининг объекти эмас, балки субъекти сифатида кўриш, шахсни, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини, шаъни ва кадр-қимматини ҳар қандай давлат манфаатидан устун қўйиш заруратини англатади.

Мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш масаласи халқимиз учун фаровон ва муносиб турмуш шароити яратишга қаратилган кенг кўламли демократик ислохотларнинг бош мезонига айланиб бормоқда [6]. Хусусан, ютуқ ва муваффақиятларни баҳолашнинг асосий мезони иқтисодий кўрсаткичлар билан бир қаторда, айнан инсон қадрининг қандай даражада ҳурмат қилинишини ҳам назарда тутати.

Мазкур ғоя конституциявий қонун даражасида ҳам мустаҳкамланган, яъни конституциявий ислохотлар жараёнида инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, кадр-қиммати, дахлсиз ҳуқуқлари ва манфаатлари масаласига оид нормаларни Конституцияда янада тўлиқроқ акс эттириш давр талаби сифатида белгиланган [7]. Демак, “Инсон қадри муқаддас” деган тамойил энди сиёсий шиор эмас, балки амалдаги конституциявий-ҳуқуқий тизимнинг таркибий қисми ҳисобланади. Бу тамойилнинг айнан ички ишлар органлари фаолиятига татбиқ этилиши тасодиғий эмас, чунки тарихан ҳам, замонавий шароитда ҳам фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг чекланиши, кўпинча, айнан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолияти билан боғлиқ вазиятларда содир бўлади. Шу боис, қонунда ички ишлар органи ходимиға қийноққа солиш, зўравонлик қилиш, бошқа шафқатсиз ёки инсон кадр-қимматини камситадиган тарзда муомалада бўлиш қатъий тақиқланган.

Ички ишлар органлари тизимидаги замонавий ислохотларнинг ҳуқуқий пойдевори, асоси 2016 йил 16 сентябрда қабул қилинган “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги Қонун билан ҳаётга татбиқ этилди. Мазкур қонун илк бор ички ишлар органларининг вазифалари, тузилиши, фаолият тамойиллари ва ходимларнинг ҳуқуқ-мажбуриятларини яхлит тизимли асосда белгилаб берди. Мутахассис экспертларнинг таъкидлашича, қонуннинг қабул қилиниши ички

ишлар тизимини демократлаштириш ва фуқаролик назоратини кучайтириш йўлидаги муҳим қадам бўлди [8]. Кейинги даврларда ушбу қонуний асос бир қатор Президент қарорлари билан янада такомиллаштирилди. Хусусан, 2021 йил 2 апрелдаги ПҚ–5050-сон қарор билан жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги фаолиятни такомиллаштиришга оид қатор ташкилий чора-тадбирлар, жумладан, маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканлари тўғрисидаги низом ҳамда ички ишлар органларида маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш концепцияси тасдиқланди [9].

2023 йил 20 январда қабул қилинган ПҚ–10-сон қарор эса ислохотлар тарихида алоҳида босқич бўлди. Унинг номланишиданоқ мақсади аниқ кўринади, яъни “Ички ишлар органларини халқчил профессионал тузилмага айлантириш ва аҳоли билан янада яқин ҳамкорликда ишлашга йўналтириш”. Мазкур ҳужжат билан, жумладан, 2023 йил 1 сентябрдан бошлаб ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, йўл-патруль ва патруль-пост хизмати ходимлари учун “Фуқаролар билан ишлаш модули” бўйича узлуксиз ўқитиш тизими жорий этилди [10]. Шунингдек, соҳа тадқиқотчилари томонидан кўрсатилишича, ички ишлар органларида амалга оширилаётган тизимли ислохотлар ходимлар малакаси ва хизмат маданиятини юксалтириш орқали, айнан “Инсон қадри учун” тамойилига асосланган ҳолда, тизимнинг чуқур профессионаллашувини таъминлашга йўналтирилган [11].

Мамлакатимизда аҳоли билан бевосита мулоқот қилувчи, ишловчи тизим – маҳалла профилактика инспекторлари соҳаси ҳам сезиларли даражада мустаҳкамланди. Илгари бир нафар профилактика инспектори ўртача 5,5 минг аҳолига хизмат қилган бўлса, ислохотлар натижасида ҳар бир маҳаллага алоҳида профилактика инспектори бириктирилиб, уларнинг умумий сони деярли икки баробарга 5 867 нафардан 9 784 нафаргача кўпайтирилди, натижада ўртача хизмат кўрсатиш нормаси 3,5 минг аҳолигача пасайтирилди. Мазкур ҳолат шунчаки миқдорий кўрсаткич эмас, балки сифат жиҳатидан янги ёндашувнинг ифодасидир, яъни инспектор энди узоқ ҳудудни эмас, балки аниқ маҳаллани, унинг фуқароларини яқиндан билади, уларнинг муаммоларини ўз вақтида аниқлаш ва ҳал этишда бевосита иштирок этади. Натижада жиноят содир этилмаган маҳаллалар сони ҳам сезиларли ортган, тегишли даврда бундай маҳаллалар улуши 42,7 фоиздан 49,3 фоизгача кўтарилган [12].

Ички ишлар органлари ходимларининг фуқаролар билан мулоқот маданиятини тубдан яхшилаш мақсадида ПҚ–10-сон қарор асосида “Фуқаролар билан ишлаш модули” жорий этилди. Бу модуль орқали ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, йўл-патруль ва патруль-пост хизмати ходимлари узлуксиз ўқитилиб, уларнинг ўз хизмат вазифаларини бажаришдаги шахсий масъулияти оширилмоқда. Шу билан бирга, ижтимоий тармоқларда давлат органлари фаолиятига нисбатан ахлоққа зид муносабатда бўлмаслик, ислохотларга доир масалаларда касбий одоб доирасида иш юритиш каби талаблар ҳам мустаҳкамланган. Бундай ёндашув полициянинг “буйруқ берувчи” эмас, балки “хизмат кўрсатувчи” институт сифатидаги янги имижини шакллантиришга қаратилган бўлиб, бу жаҳон амалиётида “community policing” (*жамоатчилик билан ҳамкорликдаги полиция фаолияти*) деб аталувчи модель тамойилларига мос келади.

Ички ишлар органлари тизими ходимларининг хизмат бурчига масъулиятини янада ошириш мақсадида “Касбий маданият кодекси”ни қабул қилиш режалаштирилгани давлат раҳбарининг сайловолди дастурида алоҳида кўрсатилган эди [13]. Мазкур кодекс тизимда ходимларнинг фуқаролар билан муомаласи, хизмат этикаси ва профессионал стандартларини белгилашга қаратилган бўлиб, “Инсон қадрини учун” тамойилининг кундалик хизмат амалиётидаги мустаҳкам ҳуқуқий-ахлоқий кафолати вазифасини ўтайди. Шу билан бирга, ички ишлар вазирлиги тизимида ходимларни “Инсон қадрини учун” тамойили асосида юксак маънавий-ахлоқий фазилатларга эга, ўз бурчига содиқ, ватанпарвар мутахассислар этиб тарбиялаш борасида изчил ишлар олиб борилмоқда [14]. Янги ёндашувнинг муҳим жиҳатларидан бири ички ишлар органлари фаолиятининг жамоатчилик назоратига очиқлигидир. Қонунга кўра, маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканларининг профилактика бош инспекторлари жамоат хавфсизлигини таъминлаш ҳолати тўғрисида ҳар олти ойда халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашларига ҳисобот тақдим этади. Бундан ташқари, ҳудудий бўлинмалар раҳбарларининг ҳисоботларини эшитиш жараёнига фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари ҳам таклиф этилиши мумкин.

Таъкидлаш жоизки, 2025 йилнинг март ойидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири ҳар ойнинг охиригача куни фуқароларни шахсий масалалар бўйича қабул қилади. Мазкур тадбир республиканинг барча вилоятларида, Қорақалпоғистон Республикасида юқори савияда ташкил этилади ва барча ҳудудлардан онлайн тартибда Ички ишлар вазирлигига мурожаат этиш имконияти яратилади. Мазкур ҳолат ҳам ички ишлар органларидаги янги ёндашув бўлиб, мамлакатимиздаги юзлаб, минглаб фуқаролар мушкуллари осон қилади, муаммосига ечим топади ва натижада бугунги кунда мурожаатчилар бундай тизим яратилганлигидан розиликларини билдириб келмоқдалар. Бундай жараёнлар ҳокимиятнинг “ёпиқ” тизимдан жамоатчилик олдида ҳисобдор тузилмага айланиш йўлидаги муҳим қадам бўлиб, у қонун устуворлиги тамойилининг амалда таъминланишининг қўшимча кафолати ҳисобланади.

Шу билан биргаликда 2026 йилнинг 1 июлидан мамлакатимизда “Хавфсиз ва соғлом юрт” кенг қамровли тезкор профилактик тадбирлари бошланди. Мазкур тадбирлар энг улуғ ва азиз байрамимиз арафасида яна бир бор жамиятимизни ҳушёрлик ва огоҳликка чорлайди, тинчлик ва осойишталикни мустаҳкамлашда ички ишлар органлари олдида муҳим вазифаларни белгилайди. “Хавфсиз ва соғлом юрт” тадбирлари мана шундай ҳар бир йўналишни қамраб олганлиги билан ҳам аҳамиятлидир. Она Ватанимизнинг ҳар бир маҳалласини, ҳар бир кўчасини жиноятдан холи ҳудудга айлантириш орқали аҳоли фаровонлигини оширишга ҳисса қўшиш олдимизда турган энг муҳим вазифа саналади. Бу йўлда Янги Ўзбекистон ички ишлар органлари барча ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари билан ҳамкорликда ўз хизмат вазифасини самарали ва садоқат билан давом эттиради.

Юқорида кўриб ўтилган ислохотларнинг амалий натижаларини бир неча йўналишларда умумлаштириш мумкин.

Биринчидан, институционал жиҳатдан профилактика инспекторлари сони кўпайтирилиб, уларнинг аҳолига яқинлашуви таъминланди.

Иккинчидан, кадрлар сифати жиҳатидан узлуксиз ўқитиш тизими орқали ходимларнинг касбий ва мулоқот кўникмалари ошириб борилмоқда.

Учинчидан, институционал ҳисобдорлик жиҳатидан ҳисобот бериш ва жамоатчилик назорати механизмлари мустаҳкамланди.

Ҳуқуқшунос олимларнинг таъкидлашича, бундай тизимли ислоҳотлар, айниқса, ходимларнинг профессионаллашуви орқали, узоқ муддатли истиқболда ички ишлар органларининг жамият ишончини қозонишининг асосий гарови ҳисобланади. Шу билан бирга, инсон ҳуқуқлари соҳасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар нафақат ички, балки халқаро миқёсда ҳам мамлакатнинг ҳуқуқий-сиёсий рейтингларда мавқеини яхшилашга хизмат қилмоқда.

Юқоридагилар асосида эришилган натижаларга қарамай, қонун устуворлиги, инсон қадрли муқаддаслигини таъминлаш, ички ишлар органларидаги янги ёндашувларни такомиллаштириш мақсадида соҳада ҳал этилиши лозим бўлган бир қатор масалалар ҳам мавжуд. Хусусан:

- қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларининг барча ҳудудларда бир хил даражада амалиётга татбиқ этилиши устидан тизимли мониторингни амалга ошириш;

- фуқаролар билан ишлаш модули каби янги ўқитиш дастурларининг самарадорлигини холис баҳолаш учун илмий асосланган мониторинг-баҳолаш механизмлари янада такомиллаштириш;

- жамоатчилик назорати механизмларининг амалда самарали ишлаши учун фуқаролик институтлари салоҳиятини оширишга алоҳида эътибор қаратиш;

- ички ишлар органлари ходимларининг ижтимоий ҳимояси ва моддий-техник таъминоти даражасини мунтазам ошириб бориш.

Мазкур йўналишларда изчил иш олиб борилиши “қонун устувор, инсон қадрли муқаддас” деган ғоянинг нафақат декларатив, балки амалий жиҳатдан ҳам тўлиқ рўёбга чиқишини таъминлайди.

Хулоса ўрнида “қонун устувор, инсон қадрли муқаддас” тамойили бугунги кунда Ўзбекистон Республикасида давлат сиёсатининг, жумладан, ички ишлар органлари фаолиятининг ҳам асосий йўналтирувчи ғоясига айланган. “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги Қонундан бошлаб давлат раҳбарининг қарорларигача бўлган ҳуқуқий-институционал йўл, ички ишлар органлари тизимининг мажбурловчи-буйруқбозлик моделидан халққа яқин, хизмат кўрсатувчи ва ҳисобдор моделга томон изчил ўзгараётганини кўрсатади. Маҳалла профилактика инспекторлари хизматларининг мустаҳкамланиши, “Фуқаролар билан ишлаш модули”нинг жорий этилиши, касбий маданият стандартларининг белгиланиши ҳамда жамоатчилик назорати механизмларининг такомиллашиши, буларнинг барчаси битта умумий мақсадга, инсон қадрини ҳимоя қилиш ва қонун устуворлигини таъминлашга хизмат қилади.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Конституциявий ислоҳотларда инсон қадрли ва ҳуқуқларига устуворлик берилади // strategy.uz, 2021. – strategy.uz/index.php?news=1577

2. Қасддан баданга оғир шикаст етказиш жиноятини тадқиқ қилиш: Илмий-амалий тадқиқот ҳисоботи. – Тошкент.: Ўзбекистон Республикаси Криминология тадқиқот институти, 2026. – 200 б.

3. Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 16 сентябрдаги “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги ЎРҚ-407-сон Қонуни. – lex.uz/acts/3027843
4. Ички ишлар органлари фаолиятини самарали ташкил этишда инсон ҳуқуқларини таъминлашнинг ҳуқуқий асослари // Modern Science and Research журнали. – inlibrary.uz/index.php/science-research/article/view/34819
5. Инсон қадри учун // Навоий вилоят суди расмий сайти, 2024. – navoiy.sud.uz
6. Дониёрходжаева Н.Д. Инсон қадри учун: Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасидаги ислохотлар // «Тараққиёт стратегияси» маркази расмий сайти. – strategy.uz/index.php?news=1812
7. Конституциявий ислохотларда инсон қадри ва ҳуқуқларига устуворлик берилади // strategy.uz, 2021.- strategy.uz/index.php?news=1577
8. Ички ишлар органлари тўғрисидаги қонун имзоланди // Gazeta.uz, 2016 йил 17 сентябрь. -gazeta.uz/uz/2016/09/17/qonun/
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 2 апрелдаги “Ички ишлар органларининг жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасидаги фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5050-сон Қарори. – lex.uz/docs/5353841
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 20 январдаги “Ички ишлар органларини халқчил профессионал тузилмага айлантириш ва аҳоли билан янада яқин ҳамкорликда ишлашга йўналтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-10-сон Қарори. – lex.uz/uz/docs/6364837
11. Исмаилов И., Тухтаевич А.Б., Мансурович М.А. Ички ишлар органларидаги тизимли ислохотлар – инсон қадри учун тамойилига асосланган профессионаллашувни таъминлаш гарови // Journal of Innovation in Education and Social Research, 2026, 4(4). – journals.proindex.uz/index.php/JIESR/article/view/3260
12. Қашқадарё вилояти ички ишлар бошқармаси. Фаолиятга оид ҳисоботлар. – qviib.uz/uz/menu/iiv-faolijatiga-oid-isobotlar-
13. “Инсон қадри учун” – Шавкат Мирзиёевнинг сайловолди дастури // Gazeta.uz, 2021 йил 27 сентябрь. – gazeta.uz/uz/2021/09/27/mirziyoev-program/
14. “Инсон қадри учун” тамойили асосида ходимларни тарбиялаш масалалари // Ички ишлар вазирлиги Академияси ўқув қўлланмаси. – ipkmvd.uz/media/pdf/kitoblar/1_IIO_kirish.pdf